



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ПСИХОЛОГИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Ахмедов Фарход Сайдалиевич

*Малака ошириши институти Касбий тайёргарлик факультети Махсус
фанлар цикли ўқитувчиси, подполковник + 99899 822-63-27*

*Бутун куч ва салоҳиятимизни ягона улуг мақсадимиз – Янги
Ўзбекистонни барпо этишига қаратамиз.*

Шавкат Мирзиёев

Аннотация: Мазкур мақолада ички ишлар органларида психологиянинг аҳамияти, психология тадқиқотчилари инсон хатти-ҳаракатларини тушиунириши учун ақлий ишлов берииш моделлари, бошқа соҳалари ва когнитив фан, тилишунослик ва иқтисод каби бошқа замонавий фанлар билан бирлаштирилди. Психология кўпроқ фанлараро ёндашувни олади ва инсоний бўлмаган субъектлар ва сунъий интеллектни ўрганишини ўз ичига олади. Фалсафий нуқтаи назардан, инсон онги ва унинг жараёнлари ҳақидаги чоратадбирлар ёритилиб, фаолиятига таъллуқли холосалар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: Сезги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур, нутқ, психологик, қўрқув, стесс, классификация, мулоқот, когнитив, темперамент.

Ички ишлар органларида психологиянинг аҳамияти катта. Бу органлар ўз фаолиятида инсонлар билан мунтазам мулоқотда бўлишади ва жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларни текшириш, ҳукуқбузарларни аниқлаш ва улар билан ишлашда психологик омиллар мухим роль ўйнайди.

Психология соҳасида мукаммал дарсликлар ёзила бошлаган даврга 160 йил бўлди. Лекин бу билан фаннинг жамият ҳаётида тутган ўрни жуда ошиб кетди, деб бўлмайди. Ваҳоланки, инсон, унинг баркамоллиги, жамият



тараққиётига бевосита таъсири масаласи ўтиб бораётган асримизнинг охирига келиб, ўта долзарб ва муҳим муаммолар қаторидан жой олди.

XX-аср ва унинг эришган ютуқларидан энг муҳими шу бўлдики, техника, электроника ва бошқа шунга ўхшаш мураккаб технологияларни яратган инсон ва унинг бевосита кундалик ҳаёти билан боғлиқ муаммолар кўпайиб бориши билан характерланади. XXI-аср бўсағасида жуда кўплаб давлатларда бўлгани каби дунё харитасида муносиб ўрин олган мустақил Ўзбекистонда хам барча соҳаларда туб ислоҳотлар бошланди.

Бу ислоҳотларнинг барчаси инсон омилини ҳар қачонгидан юқори савияга кўтариб, унинг кучи, идроки, салоҳияти, руҳий ҳамда маънавий баркамоллигини бевосита тараққиёт, ривожланиш ва цивилизация билан узвий боғлади.

Психологиянинг қуидаги асосий аҳамиятли жиҳатлари бор:

Жиноятларнинг сабабларини тушуниш: Ички ишлар ходимлари жиноятларнинг тўғри сабабларини тушунишлари учун психологик билимга эга бўлишлари керак. Бу, ўз навбатида, жиноятчиларнинг психологиясини ва уларнинг шахсий хислатларини таҳлил қилишга ёрдам беради.

Ишга ўтказиш ва таҳлил қилиши: Жиноятлар тергови пайтида гумондорлар билан сўровлар олишда психологик стратегияларни қўллаш муҳим. Бу, қўрқув, тахминлар ва ёлғонлардан сақланишга ёрдам беради ва жиноятни аниқроқ тушунишга имкон беради.

Психологик ёрдам ва тренинглар: Ички ишлар органларининг ходимлари стрессга қарши курашиш, мантиқий фаолият, ҳамда турли психоэмоционал ҳолатларда қарор қабул қилишни ўрганишлари керак. Бу учун уларга профессионал психологлар ёрдам беради.

Махсус ёндошувлар ва тактикалар: Психология ўқувчилари ва терговчиларга, психологик тажрибаларга асосланган махсус ёндошувлар билан ишлашни ўрганишда ёрдам беради. Бу ёндошувлар, жиноятчилар билан ишлашда муваффақиятли бўлиш учун аҳамиятлидир.



Жамоа иши ва психологик қўмак: Ички ишлар ходимларининг жамоавий иши ҳам психологик жиҳатдан муҳим. Улар бир-бирлари билан самарали алоқа ва қўмаклашишлари керак, бунинг учун мутахассислар орасида психологик ўзгаришлар ва тренинглар олиб борилади.

Шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари учун психологияга бўлган тушунча ва билимлар ишнинг самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга.

“Психогоя” сўзи ўзбек тилида одатда “психология” ва “психологик жараёнлар”га ишора қилиш учун ишлатилади. Бу сўзниң тўғри маъноси “рухий ҳолатлар ва инсоннинг ҳис-туйғулари, фикрлари, хулқлари ҳақидаги фан” ёки “руҳиятни ўрганиш” деб тушунилади.

“Психология” (юононча “психелогос”) сўзидан олинган бўлиб, Психо-“рух”, “жон” логос – талимот деган маънони англатади.

Психик (рухий) ҳодисаларнинг бутун мажмуюй одатда психика деган бир сўз билан аталади. Психика ўзга алоҳида бир олам эмас: у органик ҳаётнинг юксак шаклларидан бўлиб, фақат ҳайвонлар билан одамларга хосдир.

Демак, ҳайвонларда ҳам ўзига яраша психика мавжуд. Одам психикаси ҳайвонлар психикасидан сифат жиҳатидан фарқ қиласди. Одамда психик ҳаётнинг юксак шакли — онг бор. Ҳайвонларнинг психик ҳаёти одамнинг психик ҳаётига қараганда соддароқдир. Одам онгли зотдир.

Психик ҳодисаларнинг классификатсияси

Билиш жараёнларига сезги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур ва нутқ киради.

Сезгилар - муайян пайтда сезги органларимизга: кўриш, эшитиш, туйиш, ҳид билиш ва бошқа шу каби органларимизга таъсир этиб турган нарсалардаги айрим хоссаларнинг акс этишидир. Масалан, қизил-оқни, ширин-аччиқни, оғир-енгилни сезамиз.

Идрок - теварак-атрофимиздаги нарсаларнинг яхлит ҳолда акс этишидир. Масалан, уй, гул, нутқ, мусиқа ва бошқа шу кабиларни идрок этамиз. Нарсалар сезгилар асосида идрок этилади. Сезги ва идрок - теварак-



атрофимиздаги нарса ва ҳодисалар ҳамда улардаги хилма-хил хоссаларнинг миямиздаги образлариdir.

Хотира - нарса ва ҳодисаларни эсга олиш, сақлаш ва унутишидир.

Улардаги хоссаларнинг сезги ва идрок орқали ҳосил бўлган образлари номнишонсиз йўқолиб кетмайди. Улар миямизда ўрнашиб, сақланиб қолади ва куляй шароитда яна эсимизга тушади. Илгари идрок этилган нарсаларнинг эсимизга туширилган образлари тасаввурлар деб аталади. Сезги ва идрок каби, кўнглимиздан кечган фикр, ҳисларимиз ва қилган ишларимиз ҳам мияга ўрнашиб, сақланиб қолади ва яна эсимизга тушади.

Хаёл - нарса ва ҳодисаламинг идрок орқали миямизда ҳосил бўладиган образлардан ташқари, ўзимиз бевосита идрок этмаган нарсалар ҳақидаги тасаввурлар ҳам миямиздан катта жой олади. Масалан, ибтидоий одамнинг ҳаёт шароити ҳақидаги тасаввурларимиз, Марсдаги ҳаёт ҳақидаги тасаввуримиз ва шунга ўхшашлар. Бу тасаввурлар хотирамизда бор тасаввурлар асосида хаёлда (фантазияда) ҳосил бўлади.

Тафаккур - воқеликнинг умумийлаштирилган бевосита ва энг тўлиқ ҳамда энг аниқ интиҳосидир. Тафаккур жараёнларидағи фикрлар - муҳокама ва тушунчалар тушунилади ва вужудга келади. Одам фикрлаш фаолияти туфайли воқеликни идрок ва тасаввурларидағига қараганда аникроқ, то'лароқ ва чукурроқ билиб олади.

Нутқ - кишиларнинг тил воситаси билан алоқа қилиш усулидир.

Диққат - Юқорида кўрсатилган психик жараёнларнинг ҳаммаси одамда диққат мавжуд бўлгандагина юзага чиқади. Диққат - онгимизнинг ўзимиз идрок этаётган, тасаввур қилаётган, фикр юритилаётган ва айтаётган нарсамизга қаратиш, бир нуқтага тўплаш демакдир.

Психологик хизмат босқичлари

Психодиагностика - шахснинг индивидуал психологик хусусиятларини баҳолаш, ўлчаш назариялари, тамойиллари ва воситаларини ишлаб чиқадиган психологиянинг бир бўлим ҳисобланади.



Психопрофилактика - турли касалликлар келиб чиқишида психоген омилларнинг олдини олиш масалаларини ўрганувчи фан. Бунда психолог, шахсда учрайдиган психологик муаммолар психологик касалликка айланиб кетишини олдини олиш учун ишилайди.

Психокоррекция - бу шахснинг тўлиқ ривожланиши ва ишлашини таъминлаш учун психиканинг муайян тузилмаларига йўналтирилган психологик таъсир сифатида таърифланади.

Бошқарув Психологияси

Лидер:

- ✓ Гуруҳдаги шахслараро муносабатларни тартибга солади.
- ✓ Етакчилик микро мухит элементидир.
- ✓ Етакчилик ўз-ўзидан пайдо бўлади.
- ✓ Етакчилик камроқ барқарор.
- ✓ Раҳбарда санкциялар тизими мавжуд эмас.
- ✓ Раҳбар зудлик билан қарор қабул қиласди.
- ✓ Раҳбарнинг ҳаракатлари доираси кичик гурухдир.
- ✓ Раҳбар:
 - ✓ Гурухнинг расмий муносабатларини тартибга солади.
 - ✓ Кўлланма макро мухитнинг элементидир.
 - ✓ Бошлиқ мақсадга мувофиқ тайинланади
 - ✓ Кўлланма барқарор.
 - ✓ Қарор қабул қилиш жараёни янада мураккаб ва кўплаб ҳолатлар билан шартланган.

✓ Ҳаракат соҳаси кенг ижтимоий тизимдаги кичик гурухдир.

Лидерлик ва раҳбарликни ўрганиши сабаблари:

- ҳар бир гурухда бир киши кичик жамоанинг қолган аъзоларига қараганда кўпроқ таъсирга эга ва бу инсон ҳар бир гурухда жуда муҳим рол ўйнайди;
- ташкилотларнинг фаолияти самарадорлиги паст бўлганда, экстремал вазиятларда бундай гурухлар раҳбарлари йўқ бўлса вазифани бажара олмайди;



• раҳбарлик – “бошлиқ-бўйсўнувчи”; лидерлик – “лидер-издош” каби қуидаги тушунчаларга аниқлик киритиш учун бу мавзу ўз долзарблигини йўқотмайди. Раҳбарнинг шахсий хусусиятларини ўрганиш, уларни таҳлил қилиш ва бошчилик ва этакчиликнинг моҳиятини ўрганиш этакчининг (лидернинг) кейинги қадамларини башорат қилиш, унинг ҳаракатлари сабабини таҳлил қилиш ва раҳбарнинг у ёки бу ҳаракатларидан келиб чиқадиган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилишга имкон беради.

Расмий лидерлик ўртасида фарқ бор – таъсир этиш ташкилотдаги расмий позитсиядаги лидердан ва табиий лидерликдан келиб чиқса - таъсир бошқалар томонидан раҳбарнинг шахсий устунлигини тан олишдан келиб чиқса. Кўпгина ҳолларда, албатта, бу икки турдаги таъсир катта ёки кичик даражада бир-бирига боғланган. Бу ерда муҳим нарса лидернинг устунлик фазилатларига эга эканлиги эмас, балки унинг тарафдорлари унинг ушбу фазилатларга эга эканлигига ишонишида XX-асрнинг 70-йилларида ташкилотларни ўрганишда тизимлар назарияси ва тизимли ёндашув қўлланила бошланди, унга кўра ташкилот ташқи муҳит билан фаол алоқада бўлган очиқ тизим сифатида қаралади. Бу универсализмни рад этишга ва вазиятни бошқариш назариясининг пайдо бўлишига олиб келди, унга кўра идеал бошқарув мавжуд эмас ва унинг самарадорлиги вазиятга қараб менежер ҳаракатларининг этарлилигига боғлиқ. Лидерликнинг энг таниқли амалий моделларидан бири бу П. Херси ва К. Бланчарднинг вазиятли назариясидир. Ушбу назария бошлиқнинг бўйсунувчиларига ёки қулларига қаратилган. Унинг сўзларига кўра, этакчининг муваффақияти этакчилик услубини етарли даражада танлашига боғлиқ бўлиб, у ўзи бошқарадиган гурух аъзоларининг этуклик даражасига мос келиши керак.

Лидерлик - бу гурухнинг алоҳида аъзолари хатти-ҳаракатларининг психологик характеристикаси, раҳбарлик эса гуруҳдаги муносабатларнинг ижтимоий характеристикаси ва биринчи навбатда бошқарув ва бўйсуниш ролларини тақсимлаш нуқтаи назаридир.



Лидерликдан фарқли ўлароқ, раҳбарлик жамият томонидан тартибга солинадиган ҳуқуқий жараён сифатида фаолият юритади. Бироқ, ушбу фарқларга қарамай, раҳбар ҳам, лидер ҳам ташкилот ходимларини рағбатлантириш, уларни муайян вазифаларни ҳал қилишга йўналтириш, ушбу вазифаларни ҳал қилиш воситаларига ғамхўрлик қилиш билан боғлиқ бир хил турдаги муаммоларни ҳал қилмоқда.

Раҳбар - бу бошқаларнинг ишини бошқарадиган ва унинг натижалари учун шахсан жавобгар бўлган шахс ҳисобланади. Яхши раҳбар бажарилаётган ишларга тартиб ва изчиллик билан ёндошади. У бўйсунувчилар билан ўзаро муносабатларини қўпроқ фактлар ва белгиланган мақсадлар доирасида қўради. Лидер - одамларни руҳлантиради ва ходимларда ғайрат уйғотади, уларга келажак ҳақидаги тасаввурларини беради ва уларнинг янги шароитга мослашишига, ўзгариш босқичидан ўтишига ёрдам беради. Бошқарув самарадорлигининг мезони - бу раҳбарнинг ваколат даражаси.

Бошлиқ ваколатининг уч шакли мавжуд: расмий ҳокимият; у эгаллаб турган лавозим раҳбарга берадиган ваколатлар, ҳуқуқлар тўплами туфайли. Раҳбарнинг расмий, норасмий ваколати раҳбарнинг ўз бўйсунувчиларига таъсирининг 65% дан кўпроғини таъминлай олади, раҳбар ходимдан фақат унинг психологик ваколатига қўшимча равишда таяниб, 100% даромад олиши мумкин.

Ўрта асрларда психикага нисбатан ҳар хил кўринишдаги ғайритабиий қарашлар ҳукмронлик қилди. Шу туфайли психологик билимлар ривожланмай қолди. Аммо баъзи файласуфлар ва шифокорлар (Ибн Сино ва б.) асарларида бу соҳада олға қадам қўйилди. Инсон хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар қад. қўллёмсалар, ёдгорликларда ўз аксини топа бошлади. Турли мамлакатларда ва шаҳарларда тузилган академияларда (Хоразм, Самарқанд, Киев, Москва ва б. шаҳарларда) Психология юзасидан тингловчиларга сабоқ берилган.

Европа Уйғониш даврида Леонардо да Винчи, X. Вивес кабилар Психология ривожига ўз ҳиссаларини қўшдилар. 18-асрга келиб М.В. Ломоносов, А.Н. Радищев, Г.С. Сковорода, Т. Гоббс, Б. Спиноза,



Г. Лейбниц. Ж. Локк, К.А. Гельвеции, П.А. Гольбах, Д. Дидро П. да бир талай кашфиёт қилдилар, уни амалий маълумотлар б-н бойитдилар. Психология 19-асрнинг 2-ярмига келиб мустақил фан сифатида ажралиб чиқди. Немис олимиси В. Вундт Лейпцигда 1879 йил дастлабки экспериментал лабараторияни жиҳозлашга эришди.

Психология тараққиётида умуман 19-асрдаги экспериментлар алоҳида аҳамият касб этди. Бу даврда психологик реал воқеликни ўрганиш учун методлар мажмуаси қўллана бошланди: қузатиш, лабаратория эксперименти, табиий эксперимент, фаолият натижасини таҳлил қилиш, руҳий жараёнларни моделлаштириш генетик методи, тест, эксперт баҳолаш, интервью, анкета, сўровнома, таржимаи ҳол ва х. к. 19-аср охири ва 20-аср бошларида қатор психологик илмий мактаблар, йўналишлар вужудга келди: бихевиоризм, гештальтпсихология, персонализм, фрейдизм ва х. к. П. нингривожига И. М. Сеченов (психиканинг рефлектор табиати), И.П. Павлов (олий нерв фаолияти) таълимотлари муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Россияда В. М. Бехтерев экспериментал лаб. (Қозон, 1885), Харьков университети ва Н. Н. Лангенинг Одессадаги лаб., Г. Челпановнинг Киевдаги, С. Корса-ковнинг Москвадаги, кейинчалик В.М. Бехтерев, А. Лазурский, А. Нечаевларнинг Петербургдаги, В. Чижнинг Юрьев (Тарту, Эстония)даги эксперимен-тал лаб. лари П. тараққиётига алоҳида таъсир ўтказди. 1912 йил Москва университетида Психология институти очилди. Шу йилда И.А. Сикорский томонидан Киевда жаҳонда биринчи марта Болалар психологияси институти ташкил қилинди. 20-асрнинг 1-ярмида Россияда К.Н. Корнилов, П. П. Блонский диалектикага асосланган илмий Психологияни яратишга киришдилар.

Психологик бошқарувда уч хил ёндошув мавжуд

Авторитар бошқарув (лотинча: аусторитас –“ҳокимият”) - давлатни идора қилиш усули. Авторитаризмда сиёсий ҳокимият ҳукмдор шахснинг ёки етакчининг сиёсий иродаси ва қарорлари асосида амалга оширилади. Бу бошқарув усулидан фойдаланадиган инсонлар қаттиққўл бўлишади.



Демократик бошқарув усули - бу етакчининг гурух ёки жамоа аъзоларининг фикрлари асосида қарор қабул қиласидиган этакчилик услуби. Қарорлар фақат раҳбар томонидан қабул қилинадиган автоқратик этакчиликдан ва лидер гурухни қарор қабул қилишда тўлиқ эркинликдан воз кечадиган лаисsez-файре этакчилигидан фарқли ўлароқ, демократик лидер қарор қабул қилиш жараёнига гурух аъзоларини ўз ичига олади.

Либерал бошқарув усули - одамларнинг ўзини, хатти-ҳаракатларини, мулкини бошқаришда эркин деган нуқтаи назарга асосланган фалсафий, иқтисодий ва сиёсий дунёқараш, назария.

Либерал бошқарув усули одатда вақтинчалик раҳбар бўлиб ишлаётган шахсларга хосдир.

Когнитив психология - бу диққат, тилдан фойдаланиш, хотира, идрок этиш, муаммоларни ҳал қилиш, ижодкорлик ва фикрлаш каби ақлий жараёнларни илмий ўрганиш. Когнитив психология 1960-йилларда хулқатвордан танаффусда пайдо бўлган, у 1920-йилдан 1950-йилгача кузатилмайдиган психик жараёнлар эмпирик фан доирасидан ташқарида деб ҳисоблаган. Ушбу танаффус тилшунослик ва кибернетика, шунингдек, амалий психология тадқиқотчилари инсон хатти-ҳаракатларини тушунтириш учун ақлий ишлов бериш моделларидан фойдалангандари сабабли пайдо бўлди. Когнитив психологиядан олинган иш психологиянинг бошқа соҳалари ва когнитив фан, тилшунослик ва иқтисод каби бошқа замонавий фанлар билан бирлаштирилди . Когнитив психология соҳаси когнитив фан билан бир-бирига мос келади, у қўпроқ фанлараро ёндашувни олади ва инсоний бўлмаган субъектлар ва сунъий интеллектни ўрганишни ўз ичига олади. Фалсафий нуқтаи назардан, инсон онги ва унинг жараёнлари ҳақидаги фикрлар қадимги юнонлар давридан бери мавжуд. Милоддан аввалги 387-йилда Платон мияни ақлий жараёнларнинг ўрни деб ҳисоблаган. 1637- йилда Рене Декарт одамлар туғма ғоялар билан туғилади, деб тъкиллади ва онг-тана дуализми ғоясини илгари сурди, у субстанция дуализми деб номлана бошлайди.

Шахснинг йўналганлиги



Экстравертлар – онги ташқи дунёга йўналган шахслар. (*Мисол: Кўчада кетаётган шахс, ёнидан машина ўтиб, сув сачратиб кетди. Экстраверт инсонлар ҳамма айбни машина ҳайдовчисига оғдараради. Секинроқ ўтса бўладрди, кўлмакни босмаса бўларди деб.*) Ташқи дунё улар учун бирламчи, ички дунёси эса иккиламчидир. Атрофмухитда бўлаётган воқеа ва ҳодисалар экстравертлар диққат-эътиборида ҳар доим устунлик қиласи, шахсий муаммолар эса улар учун кейинги ўринга тушиб қолади. Масалан, экстраверт бетоб бўлиб қолса ҳам уни ташқи дунёда бўлаётган воқеалар қизиктиради, улар хақида сўзлаб ўтиради, ўзини саломатлиги эса улар учун гўёки аҳамиятсиз. Юнг тили билан айтганда, экстравертлар ташқи дунёни ўзгартиришга устамон бўлишади ва ички дунё эса улар учун эътибордан четда қолади. Улар ёлғиз ишлашдан кўра жамоа билан ишлашни хуш кўришади ва жамоани бошқаришга ҳам интилишади.

Интровертлар – онги ички дунёсига йўналган шахслар. (*Мисол: Кўчада кетаётган шахс, ёнидан машина ўтиб, сув сачратиб кетди. Интроверт инсонлар ҳамма айбни ўз зиммасига олади. Четроқ юрсам бўларкан, кўлмакка яқин бормаслигим керак эди деб.*) Улар учун ўзларининг ички муаммолари муҳимроқ бўлиб, ташқи дунёда бўлаётган воқеа ва ҳодисалар иккиламчидир. Ўз ички дунёсига ғарқ бўлган интровертларни гўёки ташқи олам қизиктирмайдигандек тасаввур қолдиради. Бироқ ташқи дунёда бўлаётган воқеа ва ҳодисалар интроверт шахсиятига алоқадор бўлса, уларнинг диққатеътибори ташқи дунёга йўналади ва бу вазият вақтинча давом этади. Интровертлар экстравертларга қараганда жамоа бўлиб ишлашдан кўра, ёлғиз ишлашни хуш кўришади.

Шахс - алоҳида [индивиду](#), моҳиятан яхлит ижтимоий-ахлоқий олам.

У ўзида инсон моҳиятини, унинг мавжудот сифатидаги қадриятини мужассам этади. Шахс ижтимоий-гуманитар фанларда ўз йўналиши, тадқиқот обьекти ва мақсади нуқтаи назаридан турлича талқин этилади. У ўта мураккаб, зиддиятли, қарама-қарши, ўзини ўзи инкор этадиган мавжудот сифатида, биологик, физиологик, ижтимоий, маънавий, руҳий, ахлоқий ва эстетик ақл-идрок,



тафаккур объекти сифатида, ҳатто, фалсафий ва мантиқий, яшаш ҳуқуқи ва ҳаёт мантиғи жиҳатидан тадқиқот манбаига айланиши мумкин.

Шахснинг шаклланиш омиллари кўп ва хилма-хиддир. Масалан, генетик (наслий), биологик-табиий, маданий, ижтимоий ҳаёт тажрибаси, ўз турдошлари билан муносабатлар ва бошқалар шахснинг генетик жиҳати унинг наслий асоси, аждодларидан етиб келган физиономия, феъл-автор билан, биофизиологик жиҳати эса яшаш учун қувват олиш, овқатланиш, жинсий алоқага киришиш ва насл қолдириш сингари индивидуал эҳтиёж билан белгиланади.

Шахс, моҳиятига қўра, маданийлашган, онг, ақл орқали фаолиятини бошқариш имкониятига эга бўлган, ижтимоий-тарихий анъана, турмуш тарзи ва тажрибага асосланган муайян авлодлар вакили. Шахс феномени инсон оламининг бутун мураккабликларини ўзида мужассам этади. Уни ҳар томонлама ўрганиш мақсадида турли даврларда тадқиқот олиб борилган. Айниқса, шарқда у юксак ахлоқий-маънавий меъёрлар орқали тушунилган ва олий хилқат, бебаҳо қадрият деб ҳисобланган. Инсон шахс сифатида комилликка интилади, ҳаёт мазмунини бойитади, шу асосда кишилик жамиятигининг гўзал ва фаровон бўлишига эҳтиёж сезади.

Шахс психологияси - бу шахсни ва турли индивидуал жараёнларни ўрганадиган психология соҳаси ҳисобланади. Шахснинг борлиқ, ҳаёт, жамият ва атрофдагилар билан бўлган муносабатларининг яхлит тасвирини яратишга уринишга асосий эътибор қаратилади. Бундан ташқари, психик тараққиётнинг динамик томонлари, индивидуал фарқлар ўрганилади.

Ид – бу шахснинг онгсиз қисми бўлиб, туғма инстинктлардан иборат. Буларга ўзини ҳимоя қилиш, овқат излаш ва сексуал инстинктлар киради. Ид онг остига яширган, тўғрироғи “Мен” уни онг остига тиқишириган. Шу боис Ид тажовузкор. Ид биологик қонунларга асосланиб фаолият кўрсатади.

Эго (Мен) – бу шахснинг онгли қисми бўлиб, ҳаёт мобайнида олинган илм ва кўникмалар ҳамда тажрибалар асосида шаклланади. Ид – одам туғилгандан бошлаб фаолият кўрсатади (сексуал инстинкт бироз кейин), Эго эса шахс ўзини англагандан сўнг фаолиятини бошлайди. Эго ҳар доим Идни ўз



назоратида ушлашга интилади ва шу боис улар муросасиз жангда. Ид ўзининг инстинктив эҳтиёжларини биологик қонунлар асосида қониқтиришга интилса, Эго бу масалада ижтимоий муҳит қонун-қоидаларига амал қилишга интилади, Супер-Эго билан муросани бузмасликка ҳаракат қилади.

Супер-Эго (Супер-Мен) – бу ижтимоий муҳитда мавжуд бўлган жамият қонунлари, аҳлоқ тамойиллари ва дин талаблари. Супер-Эго – индивиднинг шахс бўлиб этилишида муҳим аҳамиятга эга бўлган ва кейинчалик шахснинг таркибий қисмига айланган инсоний қадрият, урф-одат, диний эътиқод, виждан, аҳлоқ ва шу каби юксак ғоялар мажмуаси. Супер-Эго ва Эго онгиз Идни назоратда ушлашади, уни онг даражасига сизиб чиқишига тўскинлик қилишади. Агар Ид га тўла эркинлик берилса, инсоннинг турмуш тарзи ҳайвонлар ҳаётига ўхшаб қоларди ва шахсга катта путур этказарди.

Темперамент ва унинг типлари

Темперамент – одамнинг индивидуал хатти-ҳаракатларини ифодалаб турувчи туғма ва турғун психофизиологик хусусиятлар йиғиндиси. Темперамент туғма ва ўзгармасдир. Инсон қайси темперамент эгаси бўлса, умрбод ўша темпераментда қолади. Темперамент тафаккур даражаси ёки инсонийлик фазилатларига қараб ҳам бўлинмайди. Шу боис ҳам барча темперамент вакиллари ичida иқтидорли ва иқтидорсиз, илмли ва илмсиз, вижданли ва виждансиз кишиларни учратиш мумкин.

Темперамент 4 типга ажратиб ўрганилади:

Холерик – жizzаки, қизиққон, чаққон, бекарор, ҳиссий реактсияга бой одам. У жуда ҳаракатчан. Жуда катта иш қобилиятига эга холерик бирор ишни қизиқиб тез бошлайди-ю, охирига этказмай тез орада ташлаб қўяди. Холерик ҳеч қачон бир маромда ишлай олмайди, гоҳ ғайрат билан, гоҳ имиллаб ишлайди. Эҳтиёткорлик, матонат ва чидам талаб қилинадиган вазиятларда холерик қийин аҳволга тушиб қолади. Холерикнинг жаҳлини чиқариш жуда осон. Холерик ҳам кучли типга киради.

Сангвиник – қувноқ, чаққон, тиришқоқ ва таъсирчан одам. У теварак-атрофга тез мослашади, воқеа-ходисаларга реактсияси кучли бўлади. Одатда,



сангвиник гапдон одам, ҳар қандай инсон билан мулоқотга осон киришиб кетади ва сұхбат пайтида құвноқ мимикани күп ишга солади. Үзига ёққан ишга осонгина берилиб кетса-да, мунтазам давом этувчи ишларда қовун тушириб қўяди. Сангвиникни кулдириш осон. Сангвиник кучли типга киради.

Флегматик – вазмин, босиқ, камxaракат ва ҳиссиётини жиловлаб тура оладиган одам. Флегматик одатда камгап бўлиб, ҳар қандай ишни шошмасдан бошлайди, бироқ охирига этказиб қўяди, мураккаб ёки жанжалли вазиятларда ортиқча ҳиссиётга берилмайди. Агар сангвиник тез ёниб, тез сўнадиган алангага ўхшаса, флегматик секин олов олиб, узоқ ёнадиган алангадир. Тез жавоб бериш зарур бўлган вазиятларда флегматик кўпинча вақтни бой бериб қўяди. Бунда сангвиник устун келади. Қатъийлик, ирода ва сабр-тоқат талаб қилинадиган ишларда эса флегматик устун. Флегматикни кулдириш ҳам, жаҳлинини чиқариш ҳам қийин. Флегматик кучли типга киради.

Меланхолик – ғамгин, заиф, йиғлоқи ва журъатсиз одам. У салга хафа бўлади, жиддийроқ ишларга журъат этолмайди, ўз фикрига эга эмас. Меланхолик арзимаган қийинчиликларга бардош бера олмайди, уларга қарши курашдан воз кечади. Сангвиник ва флегматик эса қийинчиликларни осон энгишади, холерик эса уларни ҳатто йўқ қилиб юборади. Меланхоликда ижобий ҳис-туйғудан салбий ҳис-туйғулар устунлик қиласи. Бахтли воқеаларга қараганда, нохуш воқеалар уларга кўпроқ таъсир қиласи. Шунинг учун ҳам меланхолик доимо тушкун кайфиятда юради. Меланхолик – темпераментнинг кучсиз тип.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз, яъни оила тинч ва мустаҳкам бўлиб, унда ижобий муҳит ҳукм сурса, ундаги ўзаро муносабатлар мувваффакиятли бўлса, бир сўз билан айтганда инсон ҳар куни ишонч билан ўз уйи остонасини хатлаб қўчага чиқса, оиласида уни кутаётганлар борлигини ҳис қилиб яшаса, бундан ташқари, ўзи ёқтирган иши билан шуғулланса, ишлайдиган жамоасида ижобий психологик иқлим ҳукм суриб, ўз жамоасида ўз ўрнини топса, суицид деган ҳодиса бундай одам учун ёт, у суицидни ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмайди.



Хулоса қилиб шуни таъкидлашимиз мумкинки, психология аввалом борички ишлар органи ходимларининг фаолиятида етакчи ўринларни эгаллайди. Психология восита турлари, жихатлари, ижтимоий идрокнинг эффектлари ва шахслараро муносабатларда хамма вақт иштирок этади.

Келтириб ўтилган фикрларни инобатга олган ҳолда қўйидагича хулоса чиқаришимиз мумкин:

- Психология - бу мураккаб жараён бўлиб инсон ҳаётида муҳим омилда ва шахсни шаклланишида катта рол ўйнайди;
- Психология - бу ички ишлар органлари ходими муҳим таркибий қисмидир.
- Психологияда муомаланинг воситалари ва алоқа жараёнида шахсга таъсир кўрасатиш йўллари.
- Ички ишлар органлари ходими ҳар хил шахслар билан яхши мулоқот килишлари учун уларнинг индивидуал психологик хусусиятларини билишлари лозим.
- Шахслар билан мулоқот ўрнатишда, темпераментнинг воситаларини тўғри қўллаш ички ишлар органлари ходими фаолиятини самарадорлигини оширади.

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – 2023 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 407-сон Қонуни.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелда «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш



соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5050-сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелда «Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5076-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий хужжатлари

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 21 октябрдаги «Ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 400-сон буйруги.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Ш.Мирзиёев «Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз». – Т., 2017 й.

V. Дарсликлар, Ўқув қўлланмалар

- Сирлиев Б.Н. Исмаилова Н., Хакимова И.М. Юридик психологиядан практикум. Ўқув қўлланма. – Академия, 2016.
- Душанов Р.Х., Фарфиев Ё.А. Касбий психология. Маъruzalар курси. Т., 2012.5-27 б.
- Шомуродов F., оила психологияси, Т., 2000 йил.
- Гозиев Э., Психология, Т., 2003 йил.

Интернет сайтлари

<http://mvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ);

<http://ipkmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти);